

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Fil/Tar.21.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК УНИВЕРСИТЕТИ

ЗИКРУЛЛАЕВА ХУСНИЯ БАХТИЁРОВА

ИНГЛИЗ, ТУРК ВА ЎЗБЕК ИЛМИЙ-ТЕХНИКАВИЙ ТАРЖИМАДА
ЛЕКСИК-СЕМАНТИК ТРАНСФОРМАЦИЯЛАР

10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштирма тилшунослик ва таржимашунослик

Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент-2020

УДК: 81'25
ББК: 81.2-7
3-60

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
филологическим наукам**

**Contents of the dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD) on
philological sciences**

Зикруллаева Хусния Бахтиёровна

Инглиз, турк ва ўзбек илмий-техникавий таржимада лексик-семантик
трансформациялар3

Зикруллаева Хусния Бахтиёровна

Лексико-семантические трансформации в английском, турецком и узбекском
научно-техническом переводе19

Zikrullaeva Khusniya Bakhtiyorovna

Lexical and semantic transformations in English, Turkish and Uzbek scientific and
technical translation.....35

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works39

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Fil/Tar.21.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК УНИВЕРСИТЕТИ

ЗИКРУЛЛАЕВА ХУСНИЯ БАХТИЁРОВА

ИНГЛИЗ, ТУРК ВА ЎЗБЕК ИЛМИЙ-ТЕХНИКАВИЙ ТАРЖИМАДА
ЛЕКСИК-СЕМАНТИК ТРАНСФОРМАЦИЯЛАР

10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштирма тилшунослик ва таржимашунослик

Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент-2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.3.PhD/Fil581 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат шарқшунослик университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида www.tashgiv.uz ва «ZiyoNET» ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Омонов Қудратулла Шарипович
филология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Сиддиқова Ирода Абдузукхуровна
филология фанлари доктори, профессор

Қулмаматов Дўстмамат Сатторович
филология фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси
Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат шарқшунослик университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.12.2019.Fil/Tar.21.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «___» _____ соат _____даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100047, Тошкент шаҳри, Шаҳрисабз кўчаси, 25-уй. Тел.: (99871) 233-45-21; факс: (99871) 233-52-24; e-mail: sharq_ilmiy@mail.ru.)

Диссертация билан Тошкент давлат шарқшунослик университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100047, Тошкент шаҳри, Шаҳрисабз кўчаси, 16-уй. Тел.: (99871) 233-45-21.)

Диссертация автореферати 2020 йил «___» _____ куни тарқатилди.
(2020 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

А.М.Маннонов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, филол.ф.д., профессор

Р.А.Алимухамедов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, филол.ф.д.

Х.З.Алимова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, филол.ф.д., доц.

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон тилшунослигида турли тизимларга тегишли тилларда лексик-семантик трансформацияларнинг намоён бўлишини ўрганиш масаласи етакчи ўринлардан бирини эгаллайди. Фан ва техника соҳасининг шиддатли тараққиёти соҳа терминлари ҳамда лексик бирликларининг инглиз тилидан бошқа миллий тилларга ўгириш усуллари таржимашуносликда айрича аҳамиятга эга. Бу жараёнда таржима трансформациялари мутахассисларга термин маънолари ва моҳиятини аниқ етказиш имкониятини беради. Бу йўналишдаги тадқиқотлар илмий-техникавий бирликлар таржимаси сифатини оширишда, шунингдек, соҳа эгаларига янги илмий-техникавий натижалардан хабардор бўлишларига имконият яратади.

Дунё тилшуносларининг эътирофига кўра бугунги кунда асосий илмий-техникавий терминлар инглиз тилида яратилмоқда. Табиийки, янги илмий-техникавий терминлар мунтазам равишда миллий тиллар, хусусан, турк ва ўзбек тилларига таржима қилиб ўзлаштирилмоқда. Ана шу нуқтаи-назардан халқаро илмий-техникавий терминларнинг турк ва ўзбекча таржимасидаги лексик-семантик трансформацияларни тадқиқ ҳамда таҳлил этиш замонавий лингвистик таржимашуносликнинг муҳим масаласи саналади.

Бугунги кунда Ўзбекистон ва Туркия ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик барча соҳаларда бўлгани каби илмий-техникавий йўналишда ҳам тараққий этиб бормоқда. Туркиянинг илғор тажрибасини ўзлаштириш, илмий марказлари ва университетлари билан қўшма тадқиқотлар олиб бориш, шунингдек, олий ўқув юртлари филиалларини очиш устивор вазифа ҳисобланмоқда. 2019 йилнинг охирида Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги ва Туркиянинг Илмий-техникавий тадқиқотлар бўйича кенгаши (TÜBİTAK) ҳамкорликда эълон қилинган қўшма илмий-техникавий лойиҳалар бу соҳадаги ҳамкорликнинг ёрқин намунаси бўла олади¹. Шубҳасиз, лойиҳаларни амалга оширишда ҳар бир тадқиқотчи терминларни инглиз тилидан турк ва ўзбек тилларига таржима қилиш муаммосига дуч келади. Илмий мақолаларни ўрганиш бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижаси кўра SCOPUS маълумотлар базасидаги барча илмий-техникавий ахборотларнинг 80% инглиз тилида ёзилганлиги қайд этилган². Буларнинг бари илмий-техникавий соҳа терминларига бағишланган тадқиқотларга эҳтиёж мавжудлигини кўрсатади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 20 ноябрдаги “Мамлакатимизда ўзбек тилини янада ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ–6084-сон Фармони, 2019 йил 21 октябрдаги «Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ–5850-сон

¹ Ўзбекистон Республикаси инновацион ривожланиш вазирлиги: <https://mininnovation.uz/uz/competitions/zbekiston-turkija-shma-ilmij-tehnik-lojialar-tanlovi>

²Huttner-Koros A. The Hidden Bias of Science’s Universal Language // <https://www.theatlantic.com/science/archive/2015/08/english-universal-language-science-research/400919/>

Фармони, 2018 йилнинг 6 августидаги «Илмий ва инновацион фаолиятни интеграциялаш тизимининг самарадорлигини ошириш бўйича чоратадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–3899-сон Қарори, 2017 йилнинг 11 августидаги «Таълим муассасаларида чет тилларини ўқитишнинг сифатини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–610-сон Қарори ҳамда мазкур соҳа бўйича қабул қилинган бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устивор йўналишларига мослиги. Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар тараққиётининг I. «Маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Мавзуга оид манбаларнинг таҳлили трансформацияларнинг амалий ва назарий жиҳатлари кўплаб тилшунослар томонидан ўрганилганлигини кўрсатди³. Хусусан, тилшунослар трансформацияларни асосан икки тил доирасида кўриб чиқишган. Аммо ҳозиргача таржимашуносликда таржима трансформацияларининг муайян таснифи шаклланмаган⁴. Тадқиқот давомида тилшуносликда улар лексик, грамматик, шунингдек, комплексли лексик-грамматик даражада ўрганилганлиги аниқланди⁵. Хорижий тилшунослар бу хусусиятларни инобатга олган бўлсалар-да, уларни бевосита ва билвосита таржима нуқтаи назаридан тадқиқ қилганлар⁶.

Жумладан, Л.С. Бархударовнинг тадқиқотларида трансформациялар таржима қилинаётган тил нормаларига риоя қилган ҳолда ахборотни максимал даражада етказиш учун тиллараро туб ўзгартиришлар, деб

³Бархударов Л.С. Язык и перевод (Вопросы общей и частной теории перевода). –М.: Международные отношения, 1975. – С. 191-226; Гарбовский Н.К. Теория перевода. – М.: Из-во Моск. ун-та, 2004. – С. 358-370; Львовская З.Д. Теоретические проблемы перевода (на материале испанского языка). –М.: Высшая школа, 1985. – С. 183; Швейцер А.Д. Теория перевода: статус, проблемы, аспекты. –М.: Наука, 1988. – С. 118-144; Комиссаров В.Н. Теория перевода (лингвистические аспекты). –М.: Высшая школа, 1990. – С. 135-156; Г.А. Гореликова. Введение в языкознание. Учебное пособие. – Москва-Берлин: Директ-Медиа, 2015. – С. 260; Рецкер Я.И. Теория перевода и переводческая практика. Очерки лингвистической теории перевода / Дополнения и комментарии Д.Е. Ермоловича. –М.: Р.Валент, 2007. – С. 11; Латышев Л.К., Семенов А.Л. Перевод: теория, практика и методика преподавания. –М.: Академия, 2003. – С. 117-150; Цвиллинг М.Я. Переводные эквиваленты неологизмов в словаре и текст // М.Я. Цвиллинг // Обучение научных работников иностранным языкам. – М.: Наука, 1984. – С. 236; Эрдубаева Д. Приемы и способы перевода терминов в области оптических приборов (на материале немецкого и русского языков). // «Молодой учёный», 2016, № 8 (112), апрель. – С. 1195-1197; Vinay J., Darbalnet J. Comparative Stylistics of French and English: A Methodology for Translation. –Amsterdam and Philadelphia: PA: John Benjamins, 1995. – P. 30-39; Newmark P.A. Textbook of Translation. – Shanghai Foreign Language Education Press, 1988. – P. 81-91; Xarris Z. Papers in Structural and Transformational Linguistics. – Dordrecht, Reidel, 1970. – P. 540-542.

⁴Илюшкина М.Ю. Теория перевода: основные понятия и проблемы. –Екатеринбург: Издательство Уральского университета, 2015. – С. 55.

⁵ Комиссаров В.Н. Теория перевода (лингвистические аспекты). – М.: Высшая школа, 1990. – С. 135-156.

⁶Vinay J., Darbalnet J. Comparative Stylistics of French and English: A Methodology for Translation. –Amsterdam and Philadelphia: PA: John Benjamins, 1995. – P. 30-39; Newmark P.A. Textbook of Translation. –Shanghai Foreign Language Education Press, 1988. – P. 31.

изоҳланади⁷. А.Д. Швейцернинг ишларида трансформация рус ва инглиз тилларидаги материаллар асосида “таржима жараёнида бир шаклдаги ибораларни бошқа бирига алмаштириш”⁸ сифатида ўрганилган. В.Н. Комиссаров ҳам ўз тадқиқотларида трансформацияни уларнинг ёрдамида тилларда эквивалентлик муносабатларини ўрнатиш мумкин бўлган қатор туб ўзгаришлар тарзида кўриб чиққан. Муаллиф томонидан трансформацияни алоҳида сўзлар маъноларини аниқлайдиган соддалаштирувчи ўзгаришлар сифатида ҳам таҳлил қилиш таклифи берилган. Бундай ўзгаришлар тилларда сўзларни таққослаш жараёнида дифференциал маънолар билан бир қаторда умумий маъноларни ҳам аниқлашга ёрдам беради⁹.

Шуни таъкидлаб ўтиш керакки, юқорида кўрсатилган ишларда таржима трансформациялари умумистеъмолдаги лексикада аниқланган.

Бироқ, сўнгги ўн йилликларда терминлар турли тарафлама таҳлил қилиниб, терминологик birlikларга илгари асосан лексик birlikларга мансуб бўлган кўплаб функциялар¹⁰ юклатилаётганлиги боис терминологик birlikларда ҳам баъзи таржима трансформацияларни учратиш мумкин¹¹.

Ўзбек тилшунослигида илмий-техникавий терминология А. Мадвалиев ишларида ҳам тадқиқ этилган. Уларда олим қўшма терминларнинг умумий ва ўзига хос жиҳатларига таъриф бериб ўтган. Шу билан бирга қўшма терминларнинг шаклланиш манбалари, уларнинг турлари, семантик хусусиятлари, шунингдек, имловий тизимлаштирилишини тадқиқ этган¹². Ушбу соҳадаги терминларни ўрганиш билан Р. Дониёров ҳам шуғулланиб, “бошқа терминлар билан бир қаторда сўз бирикмали терминларнинг моҳиятини ўрганиш ҳам муҳим аҳамият касб этади, чунки бу ўзбек тилининг турли терминологик тизимларида мавжуд бўлган ўзига хосликларни ва камчиликларни аниқлашда ёрдам беради. Уларни аниқлаш ўзбек тилининг илмий-техникавий терминларини тартибга солишда муҳим қадамлардан биридир”, деб ҳисоблайди¹³. У Маҳмуд Кошғарийнинг “Девону луғоти-турк” асаридаги лексикани ўрганиб, замонавий терминлар билан солиштирган.

Туркча илмий-техникавий терминология ҳам атрофлича ўрганилган. Хусусан, замонавий турк давлатчилигининг асосчиси Мустафо Камол

⁷Бархударов Л.С. Язык и перевод (Вопросы общей и частной теории перевода). –М.: Международные отношения, 1975. – С. 190.

⁸Швейцер А.Д. Теория перевода: статус, проблемы, аспекты. –М.: Наука, 1988. – С. 118.

⁹Комиссаров В.Н. Теория перевода (лингвистические аспекты). –М.: Высшая школа, 1990. – С. 147-157.

¹⁰Лейчик В.М. Терминоведение. Предмет, методы, структура.– М.: ЛКИ. 2007. – С. 69; Cabré, M.T. Terminology –Amsterdam/Philadelphia: John Benjamins Publishing Company, 1999. – P. 112-114.

¹¹СагитоваМ. В. Калькирование терминов (на материале книги «Cloud Computing») // Актуальные вопросы филологической науки XXI века: сборник статей по материалам III Всероссийской научной конференции молодых ученых с международным участием (8 февраля 2013 г.). Ч. 1. – Екатеринбург: УрФУ, 2013. – С. 329-336; Эрдибаева Д. Приемы и способы перевода терминов в области оптических приборов (на материале немецкого и русского языков). // «Молодой учёный», 2016, № 8 (112), апрель. – С. 1196-1197.

¹²Мадвалиев А. Қўшма терминларнинг хусусиятлари ва уларни тартибга солиш масалалари. // Ўзбек тили илмий-техникавий терминологиясини тартибга солиш принциплари. –Тошкент: Фан, 1991. –47-66 б.

¹³Дониёров Р. Ўзбек тилининг илмий-техник бирикма терминлари ва уларни тартибга солиш масалалари // Ўзбек тили илмий-техникавий терминологиясини тартибга солиш принциплари.– Тошкент: Фан, 1991.– 74-132 б.

Отатуркнинг илмий-техникавий терминологиянинг шаклланишидаги улкан ҳиссасини таъкидлаб ўтиш лозим¹⁴. Шунингдек, Р. Дилаҷар, Х. Зулфиқор, Э. Оздемир каби турк тилшуносларининг ишлари ҳам махсус лексика масалаларига бағишланган бўлиб, улар бевосита турк илмий-техникавий терминологияни турклаштириш билан шуғулланганлар¹⁵.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Тошкент давлат шарқшунослик университети “Шарқ мамлакатлари тилларини ўрганиш ва тилшуносликнинг назарий масалалари” мавзuidaги устувор илмий тадқиқот йўналиши, шунингдек, “Таржимашунослик ва халқаро журналистика” кафедрасининг илмий йўналишлари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади инглиз тилидаги илмий-техникавий терминларнинг турк ва ўзбек тиллари таржимасидаги лексик-семантик трансформацияларни аниқлаш ва ёритиб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

инглиз, турк ва ўзбек тилларидаги замонавий илмий-техникавий терминларнинг ўзига хосликларини ва уларнинг маъноларидаги ўхшашлик ва ажралиб турувчи томонларини аниқлаш;

илмий-техникавий терминларни синхрония нуқтаи назарида кўриб чиқиш ва уларга асосланиб трансформация турларини кўрсатиш;

инглиз, турк ва ўзбек тилларидаги илмий-техникавий терминларнинг лексик-семантик, функционал жиҳатларини асослаш;

илмий-техникавий терминларни инглиз тилидан турк ва ўзбек тилларига таржимасидаги ўхшашлик ва фарқли жиҳатлари қай тарзда намоён бўлишини аниқлаш;

илмий-техникавий матнларда халқаро лексиканинг ўрнини очиб бериш;

илмий-техникавий терминларда синонимиянинг тарқалиш даражасини ва уларнинг шаклланишидаги синонимиянинг аҳамиятини ёритиш.

Тадқиқотнинг объектини танлаб олиш усули орқали сараланган луғатларда берилган илмий-техникавий терминлар ҳамда “Materials for Engineers and Technicians” номли илмий китобидан олинган инглиз, турк ва ўзбек тилларидаги илмий-техникавий терминлар ташкил этади.

Тадқиқотнинг предмети этиб илмий-техникавий терминларни таржима қилишдаги лексик-семантик трансформациялар белгиланган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотни ёзиш жараёнида илмий ишнинг йўналиши, мундарижаси ва моҳиятидан келиб чиққан ҳолда тавсифий, қиёсий-чоғиштирма усул ва лингвостатистик усул элементлари қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги:

¹⁴ Türkçe Bilim Terimleri Sözlüğü: <http://www.tubaterim.gov.tr/>

¹⁵ Zülfikar H. Terim Sorunları ve Terim Yapma Yolları. – Ankara: Türk Dil Kurumu Yayınları, 1991. – 20s; Özdemir E. Terim Hazırlama Kılavuzu. – Ankara: Türk Dil Kurumu Yayınları, 1973. – 10-12 s.; Dilaçar A. Türkiye’de Dil Özleşmesi. – Ankara: Ankara Üniversitesi basımevi, 1969. – 24-25 s.

терминларнинг лексик-семантик хусусиятлари асосида транслитерация, калкалаш, антонимик таржима, экспликация, генерализация, транспозиция, модуляция, адаптация, эквивалентлик сингари трансформациялар аниқланган;

инглиз тилидаги оддий, қўшма, сўз бирикмали илмий-техникавий терминлар таржимасида турк ва ўзбек тилларида трансформация турларидан фойдаланилиши кўрсатилган;

илмий-техникавий терминларининг бошқа тиллардан ўзлаштирилиши, айрим бирликларнинг халқ тилида ҳам ўз муқобили мавжудлиги ҳамда терминларнинг қисқартирилган шакллариининг борлиги синонимик қаторларни келтириб чиқарилишига сабаб бўлганлиги аниқланган;

халқаро илмий-техникавий лексиканинг ўз тушунчаси, майдони, лингвистик қиёфаси, дефиницияси ва тузилишига эга эканлиги асосланган.

турк тилидаги таржималарини асосга олган ҳолда инглиз тилидаги «heating process» ва «sintering» синонимик қаторларга эга бўлган «Modulus of elasticity» ва «Young's modulus» каби терминларга ўзбек тилидаги мос birlikлар таклиф этилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари.

Илмий-техникавий терминларнинг маъносини тўлиқ етказиш, шунингдек, ушбу соҳадаги адабиётлар таржимасини ривожлантириш учун терминларни инглиз тилидан турк ва ўзбек тилларига таржима қилиш бўйича амалий тавсиялар ишлаб чиқилган;

шу билан бирга, олинган натижалар илмий-техникавий терминларни таржима қилиш турлари бўйича назарий курсларни тайёрлашга, илмий-техникавий терминологиядаги янги шаклланган лексикани таржимасини ривожлантиришга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги таржимашуносликда тан олинган ёндашув ва усулларнинг қўлланилгани, бир неча турдаги адабиётлардан фойдаланилгани, бевосита мавзуга тегишли илмий-техникавий луғатларга асосланилгани, олинган натижаларни амалиётга жорий этилгани, натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти илмий-техникавий терминларни инглиз тилидан турк ва ўзбек тилларига таржимасига оид назарий масалаларни ёритишда фойдаланиш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, диссертациянинг таржима трансформацияларига оид маълумотлар таржимашунослик, амалий тилшунослик билан боғлиқ йўналишларда хизмат қилади. Илмий ва назарий хулосалардан “Таржима назарияси ва амалиёти”, “Илмий-техникавий матнлар таржимаси”, “Таржима назарияси”, “Таржима ва қиёсий типология” каби фан йўналишларида маърузалар ўқишда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Инглиз, турк ва ўзбек илмий-техникавий таржимада лексик-семантик трансформациялар тадқиқи бўйича олинган илмий натижалар асосида:

таржиманинг устувор йўналишларидан бири бўлган илмий-техникавий терминларнинг хусусиятлари, уларнинг таркибий, семантик ва этимологияси Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги, чет элда истиқомат қилувчи ватандошлар ва халқаро гуманитар ҳамкорлик ишлари бўйича Федерал Агентликнинг Ўзбекистон Республикасидаги Ваколатхонаси илмий фаолиятида фойдаланилган (Ваколатхонанинг 2020 йил 4 мартдаги 40-сон маълумотномаси). Натижалар Ўзбекистон ва Россия Федерацияси ўртасида икки томонлама илмий-техникавий ҳамкорликни амалга ошириш масалаларига бағишланган семинарларнинг илмий савиясининг ошишига хизмат қилган.

транслитерация, калкалаш, антонимик таржима, экспликация, генерализация, транспозиция, модуляция, адаптация, эквивалентлик сингари трансформациялар ҳақидаги таҳлилий фикрлардан Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг “Ўзбекистон” радиоканалида эфирга узатилган туркум эшиттиришлар сценарийларини тайёрлашда фойдаланилган (“Ўзбекистон” телерадиоканали Давлат унитар корхонасининг 2020 йил 18 мартдаги 0210-1-20-сон маълумотномаси). Эшиттиришларда ўзбекистонлик олимларнинг халқаро илмий-техникавий конференцияларда фаол иштирок этаётганлари сабабли терминларни тўғри таржима қилиш зарурияти мавжудлиги асослаб берилган;

оддий, кўшма, сўз бирикмали илмий-техникавий терминлар трансформация турларидан “Инновацион технологиялар ярмаркаси виртуал ахборот тизими “ВИС ЯИТ” дастурини яратишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Интеллектуал мулк агентлигининг DGU 07433-сонли гувоҳномаси). Натижада илмий-техникавий терминлар “Инновацион технологиялар ярмаркаси виртуал ахборот тизими “ВИС ЯИТ” дастурини яратишда унинг асосий бўғини бўлиб хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари жами 9 та, жумладан 3 та халқаро ва 6 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 18 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 9 та мақола, жумладан 7 та республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, учта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 124 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ ҚИСМИ

Диссертациянинг **кириш** қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, унинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияларининг устувор йўналишларига боғлиқлиги кўрсатилган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси ёритилган, ишнинг мақсад ва вазибалари, тадқиқот объекти ва предмети аниқланган, тадқиқот усуллари, диссертациянинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти асослаб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилганлиги, эълон қилинганлиги, диссертациянинг тузилиши ва ҳажми бўйича маълумотлар берилган.

“Илмий-техникавий таржимада трансформация турларини ўрганиш муаммолари” деб номланган биринчи бобда терминларнинг ўзига хосликлари, шунингдек, илмий-техникавий терминлар билан бевосита боғлиқ бўлган баъзи функциялар ўрганилади. Трансформациялар тўғрисидаги олимларнинг фикрлари келтирилган ва олиб борилган тадқиқотлар асосида терминлар таржимасига қўлласа бўладиган энг мос трансформациялар таклиф қилинган.

Замонавий терминологияни ўрганишга катта ҳисса қўшган М. Тереза Кабре, термин – тилни реал дунё билан боғлайдиган, воқеликдаги объектларни ифодаловчи, шунингдек, мутахассислар томонидан ўз фикрини ифода этиш, фикр алмашиш ва ҳар қандай соҳанинг тузилишини ташкил қилувчи бирлик, дея таъкидлайди¹⁶. Терминнинг шу жиҳатларини инобатга олган ҳолда тадқиқотда илмий-техникавий термин кимёвий элементларнинг у ёки бу ускуналарнинг иш жараёнига ҳамда физик хусусиятларнинг техник қурилмаларга таъсирини ўрганишга йўналтирилган махсус лексика сифатида талқин қилинган. Бундан ташқари илмий-техникавий терминлар назарий ва илмий тадқиқотларни, илмий-техник жараёнларни ва муайян илмий-техник муаммоларни ҳал қилиш йўллари тасвирлаш учун фойдаланиладиган бирликлар сифатида қаралади. Ушбу терминлар турли хил техник йўналишларда иштирок этиши ва қўлланилиши мумкинлиги сабабли уларни фан ва технологияларнинг бир неча соҳаларида ишлатиладиган умумий илмий терминлар дея аташ мумкин¹⁷.

Барча лексик бирликлар сингари терминлар ҳам оддий, мураккаб, кўшма, қисқартирилган, аффиксли ва ҳ.к. бўлинади¹⁸. Терминларнинг бундай турли тузилишга эгаллиги уларга нисбатан ҳам трансформацияларни қўллаш мумкинлигидан далолат беради.

Н.К. Гарбовский трансформацияни ижобий томондан намоён бўладиган шакл ўзгартирувчи, қайта ўзгартирувчи, алмаштирувчи ва таржимани

¹⁶Cabré, M.T. Terminology –Amsterdam/Philadelphia: John Benjamins Publishing Company, 1999. –P. 11.

¹⁷Судовцев В.А. Научно-техническая информация и перевод. –М.: Высшая школа, 1989. – С. 55.

¹⁸Конькова И.И. Структура и узус терминов в научно-техническом дискурсе (сфера нанотехнологий и оптоволоконной техники) // Филологические науки. Вопросы теории и практики, 2016, №4 (58). – С. 111; Квитко И.С., Лейчик В.М., Кабанцев Г.Г. Терминоводческие проблемы редактирования. – Львов: Вища школа, 1986. – С. 21-22; Курицкая Е.В., Сушко В.Ю. Способы образования сложнопроизводных военноморских терминов в английском языке. // Филологические науки. 2018, № 10(88). Ч. 2. – С. 312-317. ISSN 1997-2911. <https://doi.org/10.30853/filnauki.2018-10-2.20>.

такомиллаштириш орқали маълум сўзларга бошқача кўриниш ёки тузилиш берувчи усул дея таъкидлайди¹⁹. Лексик ва грамматик трансформациялар жараёнида ҳар доим таржимада муқобиликка эришишга имкон берадиган ўзгаришлар кузатилади²⁰.

Ж.-П. Вине и Ж. Дарбельне, ўз навбатида, трансформациянинг ўзлаштирма, калкалаш, сўзма-сўз таржима, транспозиция, модуляция, эквивалентлик ва адаптация сингари етти та турини аниқлаганлар. Муаллифларнинг фикрига кўра мазкур турлар лексик бирлик, синтактик тузилиш ва хабар бериш (абзац, матн) даражасидаги уч аспектда турлича қўлланилади. Шунингдек, таржима турлари борасида улар битта сўз бир неча турдаги ўзгаришларга учраши мумкинлигини ҳам аниқлаганлар²¹.

Шундай қилиб терминларни транслитерацияга мувофиқ ўрганиш жараёнида ушбу тур бир неча тилларда тўлиқ ёки қисман бир хил бўлган ва халқаро миқёсдаги тушунчаларни ифода этадиган халқаро сўз бойлигини ривожлантиришга шароит яратиши маълум бўлди²². Илмий-техникавий матнларда халқаро сўзларнинг ўрни жуда кенг ва уларнинг профессионал функцияси бир давлат ёки бир халқ доирасида чекланмагандир.

“Турли тизимли тилларда илмий-техникавий терминларнинг лингвистик ва таржимага оид тадқиқотлари” деб номланган иккинчи бобда илмий-техникавий терминларнинг шаклланишидаги дастлабки босқичлари, турли тизимли тиллардаги уларнинг ўзига хосликлари ҳамда улар таржимасида иштирок этган трансформациялар кўриб чиқилган.

Турк терминологиясининг жадал ривожланиши 1839-1876 йилларни ўз ичига олган Танзимот давридан бошланган. Бу давр нафақат таълим соҳасида, балки тилшунослик соҳасида ҳам замонавий ислохотлар ривожланишининг бошланиши билан ажралиб туради. Туркия Ғарб мамлакатларидан Франция ва Англия билан таълим соҳасида ҳамкорлик ўрнатишга интилди. Султон Абдумажид 1857 йилда Парижнинг чеккасида турк талабаларига таълим берадиган мактаб очишни буюрди. Мактабда талабаларга гуманитар ва техникага оид фанлар ўқитилган, дарслар француз тилида олиб борилган. Шунингдек, 1863 йилда Англия билан ҳамкорликда Босфор яқинида Robert College деб номланган мактаб ташкил этилган, 1971 йилда номи ўзгартирилиб, Бўғозичи университети дея атала бошланган²³. Очилган барча университетларда таълим жараёни хорижий тилларда олиб борилганлиги туфайли мамлакатда терминлар таржимасига зарурат пайдо бўлди.

Туркияда илмий-техникавий терминологиянинг шаклланишидаги энг муҳим давр Мустафо Камол Отатурк бошчилигидаги Жумхурият даври

¹⁹Гарбовский Н.К. Теория перевода. –М.:Юрайт, 2017.–С. 225.

²⁰Рахимов Ғ. Таржима назарияси ва амалиёти. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2016. – 137 б.

²¹Vinay J., Darbalnet J. Comparative Stylistics of French and English: A Methodology for Translation. –Amsterdam and Philadelphia: PA: John Benjamins, 1995. – P. 30-42.

²² Акуленко В.В. Вопросы интернационализации словарного состава языка. – Харьков: Издательство Харьковского университета, 1972. – С. 14.

²³ “History of Bogazici University.” Bogazici University. <http://www.boun.edu.tr/about/history.html>

бўлди. Бу даврда амалга оширилган тил ислохотлари асосан турк тилида янги турдаги терминларни шакллантиришга қаратилган эди²⁴. Араб ва форс тилларидаги кўп сонли ўзлаштирилган терминлар турклаштирила бошланди: nâzim– düzengeç (ростлагич); mübeddil– deġistirgeç (конвертер), miyar– ауғас (реактив).

Хусусан, 1981 йилда Турк тилшунослик жамияти ғарб тилларидан кириб келган илмий-техникавий терминларни миллийлаштириш устида иш олиб борди. Мазкур терминлар қуйидаги график шаклда акс эттирилган: emmeç “aspiratör” (аспиратор), özdevinimsel “otomatik” (автоматик), minilgözler “mikroskop”(микроскоп), ham özdek “ham madde” (хом ашё), erke “enerji” (энергетика)²⁵. Аммо ғарб тилларининг таъсири шунчалик кучли эдики, бугунги кунда миллийлаштирилган терминлар ўз аҳамиятини йўқотиб, уларнинг ўрнига асосан Ғарбий Европадан кириб келган ўзлаштирама сўзлар ишлатилмоқда.

Турк тилининг илмий-техникавий терминларини ўрганиш натижасида Танзимот даврида трансформация турларидан асосан транслитерациядан фойдаланилганлиги, Туркияда тил ислохоти ўтказилган даврдан бошлаб эса калкалаш билан бир қаторда бошқа лексик трансформациялар ҳам ишлатилганлиги аниқланди.

Замонавий ўзбек тилининг илмий-техникавий терминологияси 1880 йилдан бошлаб шакллана бошлаган ва терминлар унлилар билан биргаликда талаффуз қилинган ва ифодаланган²⁶. Ушбу ҳолат “барометир”, “баруметир” (барометр)²⁷, “иликтир” (электричество)²⁸, “метир” (метр)²⁹, “термометир”, “термуметир” (термометр)³⁰ каби илмий техникавий терминларда аниқ кузатилган. Халқаро характерга эга бўлган терминлар оғзаки шаклда ўзлаштирилганлигини ва уларда кўшимча унлилар орттирилганлигини кўриш мумкин.

Илмий-техникавий матнларда шарқ тиллари бўлмиш араб ва форс тилларидан ўзлашган сўзлар асосий ўринни эгаллайди. Масалан, араб тилидан “рутубāt”³¹ термини қабул қилинган бўлиб, “нам” маъносини ифодалаган, аммо бугунги кунда у илмий-техникавий соҳада ўз долзарблигини йўқотган. Шунингдек, бу тилнинг таъсирини “ҳикмātханā” (лаборатория)³², “мухриб” (қирувчи)³³ каби терминларда кузатиш мумкин.

²⁴ Хамидов Х. Турк тили грамматикаси. Морфология. – Тошкент: «Фан ва технология» нашриёти, 2006. – 13 б.

²⁵ Cin A, Turgut Cin G. Türkçe Kimya Terimleri Sözlükleri Üzerine Bir Değerlendirme // Mediterranean Journal of Humanities, 2017, VII/2. DOI: 10.13114/MJH.2017.350 – 101 s.

²⁶ Мадвалиев А. Русча интернационал терминларнинг ўзбек тилида фонетик жиҳатдан ўзлаштирилишининг айрим хусусиятлари // Ўзбек терминологиясида лексик вариантлар. – Тошкент: Фан, 1986. – 11 б.

²⁷ Усмонов О., Хамидов Ш. Ўзбек тили лексикаси тарихидан. – Тошкент: Фан, 1981. – 37 б.

²⁸ Ўша асар: – Б. 81.

²⁹ Ўша асар: – Б. 142.

³⁰ Ўша асар: – Б. 235.

³¹ Ўша асар: – Б. 202.

³² Ўша асар: – Б. 271.

³³ Ўша асар: – Б. 153.

Аммо йилдан йилга араб ва форс тилларидан келиб чиққан сўзлар сони камайиб³⁴, бошқа тиллардан сўзлар кириб кела бошлади.

Ўша даврнинг илмий-техникавий терминлар таржимасидаги маънолар ҳозирги маънолари билан мос келмаган ҳолатларни ҳам кузатишимиз мумкин. Масалан, “дурбин”³⁵ термини “микроскоп” и “телескоп” терминлари ўрнига қўлланилган. “Нефт қудуғи” дея аталмиш термин “кирасин қудуқ”қа ўзгартирилган³⁶, аммо “керосин” ва “нефть” сўзлари ўз хусусиятларига кўра бир-биридан фарқ қилади.

Иккинчи Жаҳон уришидан кейин ўзбек тилининг илмий-техникавий терминологиясининг амалий масалаларини ишлаб чиқишга алоҳида эътибор берилди. Маълумотнома ва луғатларни таҳлил қилиб, биз кўпгина терминлар асл рус тилидагидек таржима қилинган деган хулосага келдик, аммо мустақиллика эришгандан сўнг ўзбек илмий-техникавий терминларининг луғати “сингдириш”, “ютилиш” (абсорбция); “совутгич” (конденсатор); “резина буюмларни ямаш” (вулканизация) каби асл ўзбекча бирликлари билан тўлдирилди. Юқорида келтириб ўтилган терминлар калкалаш ёки экспликация таржима турлари билан ўгирилди.

Ҳозирги кунга келиб эса инглиз тили турк ва ўзбек тилларининг сўз ясаш жараёнига таъсир ўтказмоқда. Аммо трансформациялар ёрдамида ҳар бир термин учун муқобил таржима топиш мумкин. Шундай қилиб, инглизча “strength-to-weight ratio” термини тенг ҳуқуқли сўзлардан ташкил топган бўлиб, ҳар бир сўз ўзига хос маънога эга ва аниқ бир маънони етказиб беришга ёрдам беради. Турк тилига мазкур термин калка йўли билан *dayanç-ağirlik oranı*, ўзбек тилига эса экспликация орқали *кучнинг вазнга бўлган нисбати* дея таржима қилинади. Шунингдек, “construction” термини турли луғатларда турли хил талқинга эгадир. Турк тилидаги тўрт хил тармоқ терминологик луғатларни ўрганаётганда бу термин ўз аксини топмаган эди ва тил луғатларида *уарта*, *курта*, *уарит* сўзлари билан ифодаланган. Ўзбек тилида эса бу лексик бирлик термин сифатида қабул қилиниб, *буюмларнинг чизмасини чизиш*, *лойиҳалаш*³⁷, қишлоқ хўжалиги муҳандислиги соҳасида эса *яратиш*³⁸ каби талқин этилади.

Инглиз сўз бирикамали “blast furnace” термини чўян ишлаб чиқариш соҳасида қўлланилиб, “blast” сўзи “кучли шамол, ҳаво оқими, портлаш тўлқини” каби маъноларни англатади ва «furnace» эса “ўчоқ” маъносида келган. У туркчага *yüksek fırın* дея таржима қилинган бўлиб, ўзбек тилида эса *домна печи* сифатида қайта яратилган. Учала тилнинг сўз шаклланишидаги иккинчи таркибий қисмларида ўхшашлик кузатилади, чунки тилларда Ғарбий Европанинг таъсири остидаги ўзлашма сўзлар мавжуддир. Шунингдек, сўз бирикмали терминларнинг иккинчи таркибий қисмлари

³⁴Боровков А. К. Изменения в области узбекской лексики и новый алфавит. –Ташкент: Фан, 1940. – С. 22.

³⁵Усмонов О., Ҳамидов Ш. Ўзбек тили лексикаси тарихидан. – Тошкент: Фан, 1981. – 66 б.

³⁶Ўша асар: – Б. 117.

³⁷Салимов О.У., Қодиров С.М., Ҳамидов А., Қодирхонов М.А., Асатов И.С. Автотрактор атамалари луғати. – Тошкент: Ўзбекистон, 1998. – 77 б.

³⁸Шоумарова М.Ш., Абдиллаев Т. А., Мусаев Д.М. Қишлоқ хўжалик машиналари атамаларининг русча-ўзбекча луғати. Тошкент: Фан, 1994. – 25 б.

орасидаги тафовутни ҳам кузатиш мумкин. “Cleavage plane” термини турк тилига *yarilma düzlemi*³⁹ дея таржима қилинган, бу ерда *düzlem* “сирт” дея талқин этилади. Ўзбек тилида эса ушбу атама *ажралиш томони* дея таржима қилинган. Ушбу терминнинг таркибий қисми бўлиши “plane” сўзи “текислик, сатҳ, сирт” сўзлари билан узатилади, аммо “томон” билан эмас. Турк тилидаги термин инглиз тилидаги терминга муқобил бўлиб келган, аммо ўзбек тилида эса юқоридаги икки тилдаги терминларга нисбатан номувофиқликни кузатиш мумкин.

“Терминларни таржима қилишда лексик трансформацияларнинг намоён бўлиши” деб номланган учинчи бобда илмий-техникавий терминларнинг таркибий ва семантик хусусиятлари, уларнинг шаклланишида халқаро тилларнинг таъсири кўриб чиқилган. Шунингдек, терминологияда синонимик қаторларнинг ташкил топиши, уларнинг келиб чиқиш сабаблари, турк ва ўзбек тилларига ўгириш масалалари ёритилган.

Инглиз тилидаги кўплаб қўшма терминларда юнон ва лотин тилларидан кириб келган элементлар борлиги аниқланди. 142 та қўшма илмий-илмий техникавий терминларда 33 фоиз юнон тили ва 29 фоиз лотин тилидаги элементлар мавжуддир.

Масалан, лотинча “annus, biennis, triennis, quadriennis” каби сўзлар инглиз тилига “annual, biennial, triennial, quadrennial” дея ўзгартирилиб, турк тилидаги *yıllık* ва ўзбек тилидаги *йиллик* сўзларига рақамлар қўшиш орқали ясалади. Шундай қилиб, юқорида келтирилган термин миллий тилларнинг лексик birlikлари ёрдами билан калкалаш тури билан таржима қилинган, дейиш мумкин.

Лотин ва юнон элементларидан ташқари учта ўрганилаётган тилда ҳозирги кунгача ҳам ўз долзарблигини йўқотмаган араб тилидан ўзлашган сўзларни учратиш мумкин. *Ишқорлаш* илмий-техникавий термини арабча “al-qali”, яъни “ишқор” сўзидан келиб чиққан бўлиб, инглиз тилига – *alkalization*, турк тилига эса *alkalizasyon* терминига кўчган. Ушбу мисол орқали бу термин учта тилда ҳам ўз таржимасига эга эканлиги кўриняпти, аммо араб тилининг таъсири инглиз ва турк тилларидаги мисолларда яққол намоён бўлмоқда. Шунини таъкидлаб ўтиш лозимки, сўз ясовчи ўзак асосида “алкалоид”, “алкалоз” каби сўзлар яратилган. Араб тилининг таъсирини “заъфарон”, “талқ”, “амбра”, “новшадил” ва “эликсир” каби терминларда ҳам кўриш мумкин.

Лотин ва юнон тилларидан кириб келган лексик birlikлар илмий-техникавий терминологияда синонимик қаторлар пайдо бўлишга олиб келган. Масалан, табиий фанларда ишлатиладиган юнонча “polymorphism” ва “allotropy” терминлари бир синонимик қатордан ўрин олган. Аммо улар ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, улар тилшунсоликда нисбий синонимлар деб аталади. “Polymorphism” “хилма-хил шакл” маъносини, “allotropy” эса “турлича бурилиш ёки хусусият” деган маънони англатади. Иккинчи терминда бундан ташқари “бир хил кимёвий моддаларнинг бир нечта шаклда

³⁹ <https://tureng.com/en/turkish-english/cleavage%20plane>

мавжудлиги ва ҳар бири турли физик хоссалларга эга” дефиницияси ҳам мавжуд. Юқоридаги таърифларга асосланиб “polymorphism” термини кенг тарқалган бўлиб, “allotropy” эса фақат кимёвий моддаларга нисбатан қўлланилади. Терминлар турк тилида *çokbiçimlilik*, *polimorfizm* ва *allotropi* дея ифодаланади, ўзбек тили эса мазкур терминларни асл шаклда қабул қилди, чунки ҳар иккала термин ҳам халқаро сўзлар асосида шаклланган. Бундан ташқари, улар турли шакллар пайдо қилишга мойил бўлганлиги сабабли уларни *кўпшакллилик* сифатида бериш мумкин.

“Waterproof” термини материалларнинг сувга чидамлилиқ сифатини аниқлашда кенг фойдаланилади ва икки элементдан олинган бўлиб, “сув+исбот, тест ва синов” маъноларини билдириди. Ўрганилаётган тилларда у антонимик таржима орқали турк тилида *su geçirmez*, ўзбек тилида эса *сув ўтказмайдиган* сўз бирикмалари орқали ўгирилиб, манба тилидаги тасдиқ шакл таржима тилида инкор маъноси билан алмаштирилди.

“Gunmetal” каби кўшма сўз ҳам илмий-техникавий матнда ўз ўрнини эгаллаган. Таъкидлаш жоизки, тиллардаги мавжуд иборалар ва терминлар такомиллаштирилмоқда ва баъзи бир семантик ўзгаришларга учрамоқда. Мазкур термин турк тилига *tunç* дея таржима қилиниб, дастлаб “tuç” бронза сўздан ҳосил бўлган ва Маҳмуд Қошғарийнинг “Девону луғотит турк” асарида ҳам келтирилган⁴⁰. Баъзи турк манбаларида у “бронза” дефинициясига ҳам эга. Аммо бу термин ўзининг тузилишига кўра турли қотишма нисбатларига эга бўлган икки хил материални англатади. Терминни турк тилига таржима қилишда гиперонимия жараёни аниқланди ва тор маъноли маълумот кенг маънога эга бўлган тушунча билан умумлаштирилди. Ушбу мисолда “gunmetal” терминининг таржимаси тўлиқ ишлаб чиқилмаган ёки бу тилнинг етишмовчилиги дея қаралиб, *tunç* терминида керакли хусусиятлар ифода этилмаган. Ушбу материалнинг хусусиятларини инобатга олган ҳолда ўзбек тилига калка тури орқали *қурол-аслаҳа метали* дея изоҳлаш таклиф этилади.

ХУЛОСА

1. Ҳозирги вақтда илмий-техникавий терминология тилшунослиқнинг полифункционал бўлими сифатида қаралиб, ҳар томонлама кенгайтирилган ҳолда ўрганиб келинмоқда. Функциялар терминларнинг моҳиятини, унинг мавқеини ва йўналишини, жамиятда тутган ўрнини очиқ беришга имкон беради ва натижада фаннинг у ёки бу соҳасида терминни аниқ таржимасини топишга ва уни тўғри қўллашга имкон беради.

2. Ўзбек ва турк тилларида илмий-техникавий терминлар шаклланишининг дастлабки босқичларида транслитерация тури устунлик қилди ҳамда араб, форс ва Европа тилларидан кириб келган ўзлашма сўзлар шаклида миллий тилларда намоён бўлди. Сўнги пайтларда эса ҳар иккала тилда ҳам инглиз лексик бирликларининг кенг тарқалиши кузатилмоқда.

⁴⁰<https://www.etimolojiturkce.com/kelime/tunç>

3. Илмий-техникавий терминларни инглиз тилидан турк ва ўзбек тилларига энг мақбул таржима трансформациялари сифатида транслитерация, калкалаш, антонимик таржима, экспликация, конкретизация, генерализация, транспозиция, модуляция, адаптация, эквивалентлик ва синонимия каби турлар қабул қилинди.

4. Инглиз, турк ва ўзбек тилларида халқаро сўзларнинг ўрни ва аҳамияти катта бўлиб, улар илмий-техникавий матнларда терминлар вазифасини бажариб келмоқда. Улар илмий-техникавий интеграция жараёнида дунёнинг кўплаб тилларига кўчиши ва турли миллатлар томонидан бир хил қабул қилиниши сабабли терминлар каби ўз тушунчаси, майдони, тизими ва лингвистик жиҳатларига эга. Аммо уларни изоҳлаш жараёнида ҳар бир конкрет тил учун ўзига хос шарҳлар сони ва индивидуал график шакллариغا эга эканлиги сабабли уларнинг дефиницияси, тузилиши тарафлари турлича намоён бўлади.

5. Терминлар синонимик қаторларига эга бўлиб, улар қисман номувофиқликларга эга бўлганлиги сабабли фақат маълум бир йўналишда қўлланилади. Биринчидан, синонимик қаторларни чет тили орқали кириб келган элементлар ёки сўзлар ташкил этади. Иккинчидан, баъзи терминлар ҳам умумхалқ тилида, ҳам илмий тилда ўз тузилишига эга. Хусусан, умумхалқ терминлар сони оз бўлиб, бундай терминлар нафақат маълум бир соҳадаги мутахассисларга, балки кенг жамоатчиликка ҳам маълумдир. Учинчидан, термин номларини ёдда тутиш ва талаффуз қилишда қийинчиликлар туғдирадиган кўшма илмий-техникавий терминлар пайдо бўлмоқда. Шу сабабли бундай терминларни қисқартириш мақсадида илмий-техникавий матнларда қўллашга мос келадиган қисқартма терминлардан фойдаланилмоқда.

6. Фан ва технологиялар ҳозирги вақтда узлуксиз ривожланишда бўлганлиги ва тил қисқа вақт ичида янги терминни ўзлаштира олмаслиги сабабли транслитерация илмий-техникавий таржиманинг энг долзарб тури ҳисобланади. Бир тарафдан, транслитерация ва экспликация терминларни шакллантиришда кенг намоён бўлади ва маълум бир маънони ифода этишга имконият яратади, иккинчи тарафдан эса улар синонимик қаторларни ташкил этишга замин яратади.

7. Инглиз тили фонетик, морфологик, лексик ва синтактик жиҳатлари бўйича туркий тиллардан фарқ қилса-да, таржима трансформациялари ёрдамида терминларнинг ўхшаш ва фарқли томонларини учратиш мумкин, чунки ҳар бир тил тарихий шаклланиш жараёнида кўплаб ўзгаришларга учраган. Ўхшашликларни аниқлаш жараёнида транслитерация каби таржима трансформациясида ҳар учта тилда ҳам маънолар умумийлигини ҳамда илмий-техникавий термин ўзгаришсиз, аммо ҳар бил тилнинг ёзуви инобатга олинган ҳолда таржима қилиниши аниқланди. Шунинг учун тилларда бошқа тилларнинг сифат ва хусусиятлари мавжуд эканлигини инкор этиб бўлмайди. Бироқ калкалаш, антонимик таржима, экспликация, конкретизация, генерализация, транспозиция, модуляция, адаптация, эквивалентликда

қийёсланаётган тилларда грамматик, морфологик ва синтактик хусусиятлар турли йўллар билан ифодаланади. Билвосита таржима эса мантиқий ва семантик даражада аниқланганлиги сабабли бир термин адаптация, эквиваленция, модуляция, транспозиция каби бир неча турлар таъсирида таржима қилиниши мумкин.

8. Инглиз тилидаги илмий-техникавий терминларни турк ва ўзбек тилларига таржима қилишда фаол қўлланадиган трансформация турларидан калкалашдир, турк тилида – 34%, ўзбек тилида эса – 33,5% ташкил этади. Кейинги ўринни транслитерация эгаллаган бўлиб, у тилларда 28% ва 26%, синонимлар эса ҳар икки тилда 13%, ярим калка – 11% ва 12%, экспликация – 3,6% ва 7%, модуляция – 6,6% ва 4,5%, транспозиция – 2% ва 7%, антонимик таржима – 0,2% ва 0,5%, аралаш турлар – 0,7% ва 0,5%, генерализация ва конкретизация эса фақат турк тилида аниқланди ва ҳар бир трансформация тури 0,2% ташкил этди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.03/30.12.2019.Fil/Tar.21.01 ПО
ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ
ГОСУДАРСТВЕННОМ УНИВЕРСИТЕТЕ ВОСТОКОВЕДЕНИЯ**

**ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ
ВОСТОКОВЕДЕНИЯ**

ЗИКРУЛЛАЕВА ХУСНИЯ БАХТИЁРОВНА

**ЛЕКСИКО-СЕМАНТИЧЕСКИЕ ТРАНСФОРМАЦИИ В
АНГЛИЙСКОМ, ТУРЕЦКОМ И УЗБЕКСКОМ НАУЧНО-
ТЕХНИЧЕСКОМ ПЕРЕВОДЕ**

**10.00.06 – Сравнительное литературоведение, сопоставительное языкознание и
переводоведение (филологические науки)**

АВТОРЕФЕРАТ

Диссертации доктора философии (PhD) по филологическим наукам

Тошкент-2020

Тема диссертации доктора философии (PhD) по филологическим наукам зарегистрирована за B2018.3.PhD/Fil581 в Высшей аттестационной комиссии Кабинета Министров Республики Узбекистан.

Диссертация выполнена в Ташкентском государственном университете востоковедения.

Автореферат диссертации размещен на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) на веб-странице Научного совета www.tashgiv.uz Информационно-образовательном портале «ZiyoNET» по адресу (www.ziynet.uz).

Научный руководитель:

Омонов Кудратулла Шарипович
доктор филологических наук, профессор

Официальные оппоненты:

Сиддикова Ирода Абдузхуровна
доктор филологических наук, профессор

Кулмаматов Дустмамат Саттарович
доктор филологических наук, профессор

Ведущая организация:

Институт узбекского языка, литературы и фольклора Академии наук Республики Узбекистан

Защита диссертации состоится « ____ » _____ 2020 г. ____ часов на заседании Научного совета DSc.03/30.12.2019.Fil/Tar.21.01 по присуждению ученых степеней при Ташкентском государственном университете востоковедения по адресу: г.Ташкент, ул. Шахрисабзская, 25. Тел.: (99871) 233-45-21; факс: (99871) 233-52-24; e-mail: sharq_ilmiy@mail.ru.

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского государственного университета востоковедения (зарегистрирована за № ____). (Адрес: 100047, г.Ташкент, ул. Шахрисабзская, 16. Тел.: (99871) 233-45-21).

Автореферат диссертации разослан « ____ » _____ 2020 года.
(Протокол реестра рассылки № ____ от « ____ » _____ 2020 года).

А.М.Маннонов

Председатель Научного совета по присуждению ученых степеней, доктор филол.наук, профессор

Р.А.Алимухамедов

Ученый секретарь Научного совета по присуждению ученых степеней, доктор филол.наук

Х.З.Алимова

Председатель Научного семинара при
Научном совете по присуждению ученых
степеней, доктор филол.наук, доц

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD) по филологическим наукам)

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мировой лингвистике исследование проявлений лексико-семантических трансформаций в научно-техническом переводе разносистемных языков занимает одно из ведущих мест. Способы перевода профессиональных терминов, а также лексических единиц с английского языка на другие национальные языки имеют особое значение из-за непрерывного и быстрого научно-технического прогресса. Переводческие трансформации при этом позволят переводчикам полноценно передать значения и свойства терминов. Подобного рода исследования позволят повысить качество перевода научно-технических единиц и помогут специалистам ознакомиться с новейшими научно-техническими результатами.

По мнению международных лингвистов, на сегодняшний день основные научно-технические термины создаются на английском языке. Несомненно, новые научно-технические термины, появившиеся во всемирно признанных языках, осваиваются национальными языками, в частности, турецким и узбекским, постепенно. В связи с этим исследование и анализ лексико-семантических трансформаций международных научно-технических терминов в переводе, в частности, в турецком и узбекском языках, на сегодняшний день является весьма актуальным.

В настоящее время сотрудничество между Узбекистаном и Турцией развивается во всех сферах, в том числе в научно-техническом направлении. Приоритетной задачей является освоение передового опыта Турции, проведение совместных исследований с турецкими научными центрами и университетами, а также открытие высших учебных заведений. Ярким примером сотрудничества может послужить конкурс совместных узбекско-турецких научно-технических проектов, который был объявлен в конце 2019 года совместно с Министерством инновационного развития Республики Узбекистан и Советом по научно-техническим исследованиям Турции (TÜBİTAK)¹. Несомненно, при реализации проектов каждый исследователь сталкивается с проблемами перевода терминов с английского языка на турецкий и узбекский языки, которые требуют углубленного изучения. Согласно проведенным исследованиям по изучению научных статей, 80 процентов всей научно-технической информации в базе данных SCOPUS пишется на английском языке². Все эти аспекты показывают, что существует потребность в исследовании научно-технических профессиональных терминов.

Данное исследование в определенной мере послужит реализации задач, намеченных в Указах Президента Республики Узбекистан №6084 «О мерах

¹ Министерство инновационного развития Республики Узбекистан: <https://mininnovation.uz/uz/competitions/zbekiston-turkija-shma-ilmij-tehnik-lojialar-tanlovi>

² Huttner-Koros A. The Hidden Bias of Science's Universal Language // <https://www.theatlantic.com/science/archive/2015/08/english-universal-language-science-research/400919/>

по дальнейшему развитию узбекского языка и совершенствованию языковой политики в стране» от 20 октября 2020 года, №5850 «О мерах по кардинальному повышению роли и авторитета узбекского языка в качестве государственного языка» от 21 октября 2019 года, постановлении Президента Республики Узбекистан №3899 «О мерах по повышению эффективности системы интеграции научной и инновационной деятельности» от 6 августа 2018 года, постановлении Кабинета Министров № 610 «О мерах по дальнейшему совершенствованию качества обучения иностранным языкам в образовательных учреждениях» от 11 августа 2017 года и других нормативно-правовых документах, регламентирующих их решение.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий Республики Узбекистан I. «Формирование системы инновационных идей в нравственно-духовном развитии и пути их реализации».

Степень изученности проблемы. Анализ показывает, что трансформациями на практическом и теоретическом уровнях занимался ряд лингвистов³. В частности, трансформации рассматривались лингвистами в рамках двуязычия. Однако в области переводоведения до сегодняшнего дня не сформулирована одинаковая классификация переводческих трансформаций⁴. При проведении исследований выявилось, что в лингвистике они изучались на лексическом, грамматическом, а также на комплексно лексико-грамматическом уровнях⁵. Хотя зарубежными лингвистами эти особенности учитывались, однако они исследовали их с точки зрения прямого и косвенного перевода⁶.

В частности, в исследованиях Л.С. Бархударова трансформации понимаются как межъязыковые преобразования для максимальной передачи

